

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**  
**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

\_\_\_\_\_ А.Умаров

“КЕЛИШИЛДИ”

Олий ва ўрта махсус таълим  
вазирлиги

\_\_\_\_\_

202\_\_ йил “\_\_” \_\_\_\_\_

202\_\_ йил “\_\_” \_\_\_\_\_

Рўйхатга олинди: БД -5111600-2.09

202\_ - йил “\_\_” \_\_\_\_\_

**ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ**  
фан дастури

Билим соҳаси	100 000 – гуманитар
Таълим соҳаси:	110 000 – педагогика
Таълим йўналиши:	5111600 – “Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими”

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фалиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг 202\_\_ йил “\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ -сонли баённомаси билан маъқулланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 202\_\_ йил “\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ сонли буйруғи билан фан маъқулланган фан дастурларини таянч олий таълим муассаси томонидан тасдиқлашга розилик берилган.

**Тузувчилар:** Сайдалиходжаева ТДПУ, “Миллий ғоя ва маънавият асослари” кафедраси доценти, педагогика фанлари номзоди  
Н.Ф. –

**Такризчилар:** Ш.Ш. Шаякубов- Тошкент давлат юридик университети, Умумтаълим фанлар кафедраси катта ўқитувчиси, тарих фанлари номзоди.

А.А.Дадашева - Давлат бошқаруви Президент Академияси “Давлат тузилиши ва бошқарувнинг ҳуқуқий асослари” кафедраси доценти, ю.ф.н.

Фан дастури Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети ўқув - услубий Кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2016 - йил “\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ -сонли мажлис баённома).

## I. Ўқув фанининг долзарблиги ва олий касбий таълимдаги ўрни

Давлат ва ҳуқуқ назарияси ўз моҳиятига кўра умумназарий аҳамиятга эга бўлган фундаментал фан ҳисобланади. У ўзининг вазифалари, функциялари, предмети ва методлари юзасидан юриспруденция учун умумилмий аҳамиятга эга, шу билан бирга у давлат ва ҳуқуқнинг айнан умумий, яъни муайян концепциялари ва тизимлари назариясини ўзида ифода этади. Мазкур фан бошқа соҳа ҳуқуқшунослик фанлари учун назарий асос бўлиб хизмат қилиши билан бирга айтилган пайтда методологик аҳамият касб этади.

Давлат ва ҳуқуқ назарияси замонавий ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимида етакчи ўринни эгаллайди. Давлат ва ҳуқуқнинг келиб чиқиши, ривожланиши, фаолият юритиши ва истиқболи билан боғлиқ энг умумий қонуниятларни очиқ бериш баробарида мазкур фан давлат ва ҳуқуқ ҳодисаларининг табиатини тушуниш, уларнинг жамият ривожланишидаги ўрни ва ролини аниқлаш имконини беради. Шу тариқа давлат ва ҳуқуқ назарияси фундаментал ва методологик фан сифатида давлат тушунчаси, белгилари, типлари ва моҳияти, давлат шакллари, функциялари, давлат ҳокимияти, механизми, ҳуқуқ тушунчаси, унинг моҳияти ва белгилари, принциплари, функциялари ҳамда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат каби давлат-ҳуқуқий тушунча ва категорияларни илмий билиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

## II. Ўқув фанининг мақсади ва вазифаси

**Фанни ўқитишдан мақсад** – давлат-ҳуқуқ масалалари туғрисидаги тушунча ва категорияларни ўрганиш, давлат ва ҳуқуқни ўзига хос хусусиятларини ифодаловчи асосий қоиди ва тамойилларини ўзлаштириш ҳамда умумназарий билимларнинг амалий фаолиятдаги аҳамиятини англашдан иборат.

**Фаннинг вазифаси** - давлат ва ҳуқуқни инсон ва жамиятга нисбатан фаолиятининг моҳияти, ижтимоий қиммати ва аҳамияти ҳақида илмий дунёқарашни ҳамда уларнинг кейинги давлат ҳуқуқий фаолиятларида норматив ҳужжатларни шарҳлаш ва қўллаш моҳаратини ўрганилади. Ижтимоий муаммоларни шахс ва жамият манфаатларидан келиб чиқиб ва давлат-ҳуқуқий нуқтаи-назарида туриб хал этиш уқуви ва малакасини шакллантиришдан фан сифатида тушунчалари очиқ берилади. Маърифий ва тарбиявий вазифаларни бажариб, замонавий ижтимоий сиёсий ҳаётда ижобий хулқ атворини шакллантиришга ёрдам беради.

**Фанни ўзлаштириш натижасида талаба:**

- Давлат ва ҳуқуқ назариясини ижтимоий фанлар тизимидаги ўрни, унинг предмети, ҳуқуқшунос-педагогнинг касбий-ҳуқуқий онгини шакллантиришдаги роли, ҳуқуқшунослик соҳасида қўлланиладиган тушунчалар ва категориялар тизими, давлат ва ҳуқуқнинг ҳозирги ривожланишига таъсир қилувчи асосий омиллари тўғрисида тасаввурга эга бўладилар. тарғиб этиш тўғрисида **тасаввур ва билимга эга бўлиши;**
- Талаба ўз билимларини таҳлил қилиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни шарҳлаш ва қўллаш имкониятига эга бўлади. Қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни Конституцияга ва халқаро-ҳуқуқий стандартларга мос келиши бўйича мониторинг ўтказиш, давлат ва ҳуқуқ назариясининг долзарб муаммолари бўйича ўзининг фикрини мустақил, тўғри ва асосланган ҳолда ифода этиш сифатида кўриб чиқиш каби масалаларни ўрганади, тарғиб қилиш зарурлигини тушунтириб бера олиш **кўникмаларига эга бўлиши керак;**
- Талаба илмий, методик, педагогик ва ижтимоий фаолиятида назарий билимларни фанга қўллаш кўникмаларига эга бўлади. аҳамиятини асослаб бериш каби **малакасига эга бўлиши керак.**

### **III АСОСИЙ ҚИСМ**

#### **Маъруза машғулотларининг мазмуни**

##### **1-мавзу: Давлат ва ҳуқуқ назарияси -умумназарий фан**

Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи фанининг предмети ҳамда унинг ўзига хос хусусиятлари. Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи фанининг сиёсаҳунослик, социология, иқтисодиёт назарияси, тарих ва бошқа гуманитар фанлар билан алоқаси. Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи - юридик фанлар тизимида. Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи фанининг методлари. Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи фанининг функциялари. Давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини либераллаштириш, ислоҳ қилиш ва модернизациялашда давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи фанининг роли.

##### **2-мавзу: Давлат ва ҳуқуқнинг келиб чиқиши**

Давлатгача бўлган жамиятларда: ижтимоий нормалар ва ижтимоий ҳокимият. Давлат – жамият мавжуд бўлишининг бир шакли сифатида. Давлат ва ҳуқуқни вужудга келиши тўғрисидаги назариялар. Жамият тушунчаси. Жамият мавжуд бўлиши шакллариининг хилма-хиллиги. Жамият ривожланишига таъсир этувчи омиллар. Давлатгача бўлган жамиятларда

ижтимоий нормалар ва ижтимоий ҳокимият. Давлат – жамият мавжуд бўлишининг бир шакли сифатида. Давлат ва ҳуқуқнинг вужудга келиши тўғрисидаги назариялар. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида жамият, давлат ва ҳуқуқ масалалари

### **3-мавзу: Давлат тушунчаси, белгилари, моҳияти ва типлари**

Давлат тушунчаси ва белгилари. Давлатнинг моҳияти ва ижтимоий аҳамияти тўғрисидаги назариялар. Давлат ҳокимияти – ижтимоий ҳокимиятнинг муҳим шакли сифатида. Давлат ҳокимиятининг белгилари. Давлат типологияси. Давлат типологияси муаммосига формациявий ва цивилизациявий ёндашувлар.

### **4 Мавзу: Давлат функциялари**

Давлат функциялари тушунчаси. Давлат функциясининг давлат мақсади ва вазифалари билан ўзаро нисбати. Давлат функцияларини турли асосларга кўра таснифлаш. Давлат функцияларини амалга ошириш шакллари. Давлат функцияларининг ривожланиши ва ўзгаришига таъсир этувчи омиллар. Ўзбекистон Республикасида демократик ҳуқуқий давлат қуриш в фуқаролик жамиятини шакллантириш шароитида давлат функцияларининг ўзгариши ва янгиланиши.

### **5 Мавзу: Давлатнинг шакллари**

Давлат шаклларининг ривожланиши ва ўзгаришига таъсир этувчи омиллар. Давлатнинг бошқарув шакллари: республика ва монархия. Давлатнинг тузилиш шакллари: унитар, федератив ва конфедератив. Сиёсий режим: тушунчаси ва турлари. Ўзбекистон Республикаси давлат шаклининг ўзига хос хусусиятлари.

### **6-мавзу: Давлат механизми: тушунчаси, таркибий қисмлари.**

Давлат механизмида ҳокимиятлар бўлиниши тамойили: назария ва амалиёт. Давлат аппарати тушунчаси. Давлат аппаратини ташкил этиш ва фаолиятини амалга ошириш тамойиллари. Давлат органлари тизими: тушунчаси, таснифи. Ўзбекистонда давлат ҳокимиятини амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари. Ўзбекистон Республикасида жамиятни янгилаш ва демократлаштириш шароитида давлат механизмини ислоҳ қилиш масалалари.

### **7-мавзу: Ижтимоий муносабатлар тушунчаси.**

Ижтимоий муносабатларни норматив тартибга солишнинг объектив зарурияти. Ижтимоий нормалар тизими: урф-одат, диний, ахлоқий нормалар, жамоат ташкилотлари қоидалари ва бошқа ижтимоий нормалар. Ижтимоий нормаларнинг умумий ва ўзига хос хусусиятлари. Ҳуқуқ - ижтимоий муносабатларни норматив тартибга солишнинг тури сифатида.

### **8-мавзу: Ҳуқуқ тушунчаси, белгилари, моҳияти ва принциплари.**

Ҳуқуқнинг функциялари. Ҳуқуқнинг моҳияти ҳақидаги назариялар: табиий-ҳуқуқ, норматив, психологик, тарихий-ҳуқуқ, синфий ва ислом ҳуқуқи доктринаси. Ҳуқуқни тушунишга замонавий ёндашувлар.

### **9-мавзу: Ҳуқуқий онг: тушунчаси, таркибий қисмлари.**

Ҳуқуқий психология ва ҳуқуқий мафкура. Ҳуқуқий онгнинг турлари ва даражалари. Ҳуқуқий онгнинг функциялари. Ҳуқуқий маданият: тушунчаси, тузилиши, даражалари. Ҳуқуқий тарбия – ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг зарур шарти. Ҳуқуқий нигилизм ва ҳуқуқий идеализм. Ҳуқуқий нигилизмни бартараф қилиш муаммолари.

### **10 -мавзу. Ҳуқуқ нормалари.**

Ҳуқуқ нормалари тушунчаси, белгилари. Ҳуқуқ нормасининг тузилиши: гипотеза, диспозиция ва санкция. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳуқуқ нормаларини баён этиш усуллари. Ҳуқуқ нормаларини турли асосларга кўра таснифлаш

### **11 -мавзу. Ҳуқуқ шакллари (манбалари)**

Ҳуқуқ шакллари (манбалари) тушунчаси ва турлари. Ҳуқуқий одат – ҳуқуқнинг қадимги манбаси сифатида. Ҳуқуқий прецедент тушунчаси, турлари. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат – ҳуқуқнинг манбаси. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг турлари. Норматив шартномалар – ҳуқуқнинг махсус манбаси сифатида. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг вақт, ҳудуд ва шахсларга нисбатан амал қилиши. Халқаро ҳуқуқ нормаларини миллий қонунчиликда имплементация қилиш масалалари. Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқнинг асосий манбалари

### **12- Мавзу Ҳуқуқ ижодкорлиги**

Ҳуқуқ ижодкорлиги – ҳуқуқ яратишнинг мураккаб жараёни сифатида. Ҳуқуқ ижодкорлиги тушунчаси, турлари ва принциплари. Қонун ижодкорлиги жараёни тушунчаси ва босқичлари. Ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнида юридик техниканинг роли. Ўзбекистонда қонун ижодкорлиги жараёнининг ўзига хос хусусиятлари.

### **13- Мавзу. Ҳуқуқ тизими**

Ҳуқуқий тизим тушунчаси ва унинг таркибий тузилиши. Ҳуқуқ тизими тушунчаси ва тузилиши. Ҳуқуқ соҳаси ва ҳуқуқ институти тушунчалари. Ҳуқуқ тизимини соҳаларга ажратиш асослари. Моддий ва процессуал ҳуқуқ. Ҳуқуқ тизимини хусусий ва оммавий ҳуқуққа ажратиш. Ўзбекистон ҳуқуқ тизимининг асосий соҳалари тавсифи. Ҳуқуқ тизими ва қонунчилик тизими. Қонунчиликни тизимлаштириш тушунчаси ва турлари

### **14-мавзу. Ҳуқуқий муносабатлар: тушунчаси, белгилари ва турлари.**

Ҳуқуқий муносабатларнинг юзага келиш асослари. Ҳуқуқий муносабатлар таркиби: субъект, объект, субъектив ҳуқуқ ва юридик мажбуриятлар. Юридик факт: тушунчаси ва турлари. Ҳуқуқдаги презумциялар ва функциялар.

### **15- Мавзу. Ҳуқуқни амалга ошириш**

Ҳуқуқни амалга ошириш тушунчаси ва шакллари. Ҳуқуқ нормасини қўллаш – ҳуқуқни амалга оширишнинг муҳим шакли сифатида. Ҳуқуқ нормаларини қўллаш жараёни босқичлари. Ҳуқуқни қўллаш ҳужжатлари тушунчаси, хусусияти ва турлари. Ҳуқуқни қўллаш ҳужжатларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан фарқлари. Ҳуқуқдаги бўшлиқлар ва уларни бартараф қилиш йўллари. Ҳуқуқ аналогияси ва қонун аналогияси. Қонун ҳужжатлари ўртасидаги коллизиялар ва уларни ҳал этиш усуллари.

### **16-Мавзу. Ҳуқуқий хулқ-атвор. Ҳуқуқбузарлик ва юридик жавобгарлик**

Ҳуқуқий хулқ-атвор тушунчаси ва турлари. Ҳуқуқбузарлик тушунчаси, белгилари ва турлари. Ҳуқуқбузарликнинг юридик таркиби. Юридик жавобгарлик: тушунчаси, белгиси, турлари. Юридик жавобгарлик мақсади, функциялари ва принциплари. Юридик жавобгарликни истисно қилувчи ҳолатлар. Ўзбекистон Республикасида

юримдик жавобгарликни либераллаштириш борасидаги суд-хукук ислохотлари. Хукукий тартибга солиш самарадорлиги, белгилари ва уни таъминланиш асослари. Қонунийлик тушунчаси ва принциплари.

#### **IV Семинар машғулотлар бўйича кўрсатма ва тавсиялар** **Семинар машғулотлар учун кўйидаги мавзулар тавсия этилади:**

1. Давлат ва хукук назариясининг ўзига хос хусу сиятлари.
2. Давлат ва хукукнинг келиб чиқиши.
3. Давлат тушунчаси, белгилари, моҳияти ва типлари.
4. Ўзбекистон давлати шакллари.
5. Ўзбекистон давлати функциялари.
6. Давлат механизми.
7. Ижтимоий муносабатлар ва хукук.
8. Ўзбекистон Республикасида хукукий маданиятни юксалтириш.
9. Хукукий муносабатлар.
10. Хукук нормалари.
11. Хукук шакллари (манбалари).
12. Хукук ижодкорлиги.
13. Хукук тизими.
14. Хукукни амалга ошириш.
15. Хукук нормаларини шарҳлаш.
16. Хукукий хулқ-атвор ва хукукбузарлик.
17. Юримдик жавобгарлик ва унинг турлари.
18. Қонунийлик ва хукукий тартибот.
19. Ҳозирги замоннинг асосий хукукий тизим ва оилалари.

#### **V. Мустақил таълим ва мустақил ишлар**

##### **Мустақил таълим учун тавсия этиладиган мавзулар:**

1. Жамият, давлат ва хукук
2. Давлат тушунчаси, белгилари ва моҳияти
3. Давлат шакллари.
4. Давлат функциялари
5. Давлат механизми
6. Ижтимоий муносабатлар ва хукук.
7. Хукукий онг ва хукукий маданият
8. Хукукий муносабатлар
9. Хукук нормаси
10. Хукук шакллари (манбалари)
11. Хукук ижодкорлиги
12. Хукук тизими
13. Хукукий хулқ-атвор. Хукукбузарлик ва юримдик жавобгарлик
14. Қонунийлик ва хукукий-тартибот
15. Ҳозирги замон хукукий тизимлари ва оилалари



## **VI .Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбалари** **Асосий адабиётлар:**

1. Сайдуллаев Ш.Давлат ва ҳуқуқ назарияси Дарслик.-Т. ТДЮУ, 2018.- 220б
2. Одилқориев Х.Т., Тультеев И.Т. ва бошқ Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик Т.Шарк, 2009.- 592 б.
3. Исломов З.М. Давлат ва ҳуқуқ назарияси.-Т. Адолат, 2007.-916 б.
4. Лазарев В.В., Липень С.В., Саидов А.Х. Теория государства и права Учебник/ под ред. Акад.Абдурахманова Қ.Х.-Мю Рос.екон акад.2008. - 620 с.

### **Қўшимча адабиётлар:**

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. –Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ,2017.
2. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. –Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ,2018
3. Жавлиев Н.Б. Ҳуқуқнинг моҳияти: анънавий ва замонавий назариялар. Ўқув қўлланма. .Т.: ТДЮИИ, 2010.-96 б.
4. Нажимов М.К. Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқи маданият. –Т.: ТДЮУ, 2018.-66 б.
5. Нажимов М.К. Давлат функциялари. –Т.: ТДЮУ 2018. 64 б.
6. Одилқориев Х.Т., Якубов Ш.У. Миллий ҳуқуқий тизим ва ҳуқуқий кадриятлар. Монография. Т.: СМИ-АСИА, 2010 -400 б.
7. Найитбоев Ф. Нажимов М. Хозирги замон асосий ҳуқуқий тизимлари (киёсий ҳуқуқшунослик).- Т.: ТДЮУ. 2018 -229 б.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. (*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда*)

### **Ахборот манбалари:**

[www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz)

[www.lex.uz](http://www.lex.uz)

[www.ziynet.Uz](http://www.ziynet.Uz)

[www.pedagog.uz](http://www.pedagog.uz)

[www.bilim.uz](http://www.bilim.uz)

[www.gov.uz](http://www.gov.uz)

[www.nadlib.uz](http://www.nadlib.uz) (А.Navoiy nomidagi O'z.MK)

<http://ziynet.uz> — Ziyonet axborot-ta'lim resurslari portal

